

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 93 (65969)
1996 йил, 14 декабрь, шанба

Сотувда эркин
нархда

Ҳозир айрим мактабларда ўқишга иштиёқ сусайиб, «бизнес»га, яъни савдогарчиликка қизиқиш кучаймоқда. Мактабга ўқув қуролларисиз, китоб ва дафтарларсиз, фақат йўқламада қатнашиш учун келиб кетувчи ўқувчилар кўпайиб кетди, натижада республика бўйича «икки»чилар сони ортиб бормоқда. Баъзи ота-оналар бундан жиддий ташвишга тушиб, уз ўғил ва қизларининг дарсларини мукамал ўзлаштириб боришига вақтларини аямаётган бўлсаларда, бошқалари бунга оддий ҳол деб қараётир. Уз болаларининг ўқишига, қандай дустлар орттиришига, буш пайтларида нималар билан шуғулланаётганига эътиборсизлик кўрсатилаётганини қандай баҳолаш керак? Балки улар олаётган «2» баҳо ота-оналарига қўйилиши керакдир? Ана шундай айбисиз айбдорлар, яъни «иккичи»ларни ҳадеб жеркиш, койиш, ҳамда қаттиққўллик билан синфдан ҳайдаб чиқариб, кундалигига «2» қўйишдан аввал уларнинг

ота-оналари билан вақтида суҳбатлар утказиб, керак бўлса уларнинг хатоларини ҳам ўзларига мулоимлик билан тушунтириб бериш, уз фарзандларидан меҳр-муруватларини, вақтларини аямасликларини сураш барча устозларимизнинг

нашмаган. 17 ёшли Жезеппе Вердини қобилиятсиз деб ҳисоблаб Миландаги консерваторияга қабул қилинмаган. У эса буюк композитор бўлиб етишган. Иван Бунин — буюк ёзувчи

— фақатгина 3 та синфни тамамлаган.

Бундай маълумотларни «иккичи»ларни оқлаш ёки мақташ учун келтираётганимиз йўқ. Бу фақатгина далда, холос.

Хуллас, «иккичи» ўқувчилар! Кунглингизни чуқирманг! Ҳали ҳаммаси олдинда!

Маҳзуна МАҲКАМ қизи.

ИККИНИ КИМГА ҚЎЙИШ КЕРАК?

бурчидир. Биз эса кундалик ва журналдаги «икки» баҳодан қутула олмаётган, ота-онанинг ҳамда устозларнинг ёрдамига муҳтож ўқувчиларимизга озгина бўлса ҳам далда бермоқчимиз. Шунини билдириб қўйингки, икки фазали генератор, фонографни уйлаб топган буюк ихтирочи Томас Эдисонни ўқитувчилари ўқишга лаёқати йўқ деб ҳисоблаб, «булмайдиган бола» дейишган. Эдисон мактабда фақат уч ойгина таълим олган ва телеграфист бўлиб ишлаган. Буюк физик ва математик Эйнштейн ҳам мактабда жуда ёмон ўқиган. Дарсларга уз вақтида қат-



ИҚТИСОДИЙ ТАҚЧИЛЛИК ДЕБ...

Яқинда мактабимизда «Обуна-97» мавзuida йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда «Тонг юлдузи» фаолиятига тўхталиб, уни Республикадаги ешларини элу юртга фидойи, ҳақиқий ватанпарвар йигит-қизлар бўлиб камол топтириш борасидаги ишлари беқиёс эканлиги айтиб ўтилди.

Сузга чиққан ўқувчи, ўқитувчилар газета саҳифаларидан урин олган рукнлар, қизиқарли мақолалар юзасидан уз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Айниқса 7-«Б» синф ўқувчиси Мақсуджон Назаровнинг фикрлари барчага манзур бўлди. У уз сузида газетага 4 йилдан буён обуна бўлиб келаётганлигини, «Тонг юлдузи» унинг доимий ҳамроҳи, маслакдоши эканлигини ҳаяжон билан айтиб, тенгдошларини унга ёзилишга даъват этди.

— Мактабимизда ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Феруза Ибрагимова раҳбарлигида «Еш ижодкорлар» тугараги мунгазам фаолият кўрсатиб келаяпти. Тугарак аъзоларининг қалами чарҳланиб, сайқалланиб қолган. Бунда «Тонг юлдузи»нинг ҳиссаси катта, — деди мактабнинг тарбиявий ишлар ташкилотчиси Дилором Мингишева. — Тугарак фаоллари бу йилда ушбу газетага обуна ишларини ташкил этишни аллақачон бошлаб юборишган. Менимча, бу борада ишларимиз кунгидагидек бўлса керак.

Биз юртбошимизнинг «маънавийатсиз келажак йўқ», деган фикр-

ларини қўллаб-қувватлаймиз. Иқтисодий тақчиллик деб, уз фарзандларимизнинг маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб қолишларини истамаймиз.

Шу кунни мактабимиздаги 300 дан ортиқ ўқувчи, «Тонг юлдузи»га обуна бўлишди.

Таҳририят ходимларининг келгуси ишларида ижодий баракалар тилаб,

**Ш. ЗАЙНИДДИНОВ,
Шахрисабз шаҳар,
М. Бедил номли 13-ўрта
мактаб директори.**



АЙТСАМ ХАТО ЭМАС...

Обуна-97

Мен Тошкент Давлат университетининг халқаро журналистика бўлимида таҳсил оламан. Ўқувчилик давримданок «Тонг юлдузи» газетасини севиб ўқийман ва уша пайтларданок унга хабарлар, мақолалар ёзиб турардим. Журналистика касбини танлашимга ҳам мана шу нашр сабаб бўлган, десам хато қилмайман. Талаба бўлганимдан сунг эса фаолиятим янада кучайди. Шу туфайли ҳам жонажон Ўзбекистонимизнинг қайси вилояти, қайси шаҳрида бўлмай унга зарур мақолалар тўплашга ҳаракат қиламан. Бу сафарги таширим Сурхондарё вилоятига бўлди. «Тонг юлдузи»га обуна қандай бораётгани билан қизиқдим. Фафур Гулом номли болалар кутубхонаси ходимларининг қўлиқулга тегмасди. Бу ер маърифатли инсонлар билан гавжум. Қувонтирган нарса шу бўлдики, мен севиған газета талабгорлари 105 кишини ташкил этибди. Кутубхоначиларга келсак, менинг гувоҳлигимда уларнинг етти нафари «Тонг юлдузи»га ёзилишди. Обуна ишлари вилоят улкашунослик музейи, Термиз Давлат мусиқа билим юрти ва бошқа ерларда давом этмоқда.

Д. ДАМИН қизи.

— «Тонг юлдузи» билан болалардан дустман, — дейди Тошкент туқимачилик комбинати «Камолот» жамғармаси фонди ходими Барно Толипова. — «Ўзбекистон овози»да ушбу нашр ҳақидаги мақолани ўқидиму дарҳол «Тонг юлдузи»ни қўлимга олдим. Дарҳақиқат, унинг саҳифалари эркин, материаллар мавзуси ранг-баранг эди. Аммо обунаси? Ҳа, галвирни сувдан кутаришга анча вақт бор. Балки ҳаммаси яхши булар?..

**Р. ТОШМУҲАМЕДОВ
олган сурат.**

КОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ — РАМЗИ

Конституциямиз қабул қилинганнинг тўрт йиллиги арафасида пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Президентимиз Ислоҳ Каримов нутқ сузладилар. Юртбошимиз шундай байрам кунлари мамлакатимиз ривожини йўлида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни тан олишимиз лозимлигини айтдилар. Шунингдек, Президентимиз утган давр ичида Ўзбекистон дунёга танилгани, конституциямизнинг моҳияти одамларнинг манфаатларини кўзлаш, уларнинг тенглигини кафолатлаш кабилардан иборат эканлигини таъкиддилар.

Бундан ташқари юртимиз тараққиётида миллий тафаккур, маданий меросимиз, маънавий қадриятимиз, шунингдек ер ости ва ер усти бойликларимиз асосий нарсалар эканлиги ҳақида ҳам



кўп гаплар айтдилар. Мамлакатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган 1997 йил инсон манфаатлари йили бўлишини алоҳида таъкиддилар.

МУҲТОЖ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИГА

Хукуматимиз болали оилаларга моддий ёрдам бериш ишини тобора авж олдиримоқда. Кунин кеча Президентимизнинг болали оилаларга моддий ёрдам беришни кучайтириш ҳақидаги фармонлари эълон қилинди. Унга кура янги йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга бериладиган пул ёрдами миқдори болалар сонига қараб ошади ва у фақат муҳтож оилаларгагина берилди. Бунда оилаладаги 16 ёшгача бўлган болалар ҳисобга олинади ва пул ёрдами шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар томонидан махсус ташкил этилган «Болалар нафақалари» ҳисобварақаларидан олиб туланади.

СИЗ ҲАМ БЕКА БЎЛАСИЗ



Устознинг айтган икки оғиз сузи келгусида Моҳиранинг ким бўлишини ҳал қилди-қўйди. Бу қанақа гап эди?

Уша кунни меҳнат дарсида муаллима ҳам, қизлар ҳам вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолишди. Яхшиям охириги дарс эканлиги. Булмаса қизиқарли суҳбат узилиб қолган булармиди?

— Сиз ҳам бир кун келиб

битта оилага бека бўласиз, — мамнун ҳолда давом этди ўқитувчи, — шунинг учун ҳам қиз бола ҳунарли бўлса хонадон гуллаб-яшнайдди, камчилик курмайди...

...Устоз сузлари бесамар кетмади. Бундан уч йил аввал мактабдан учирма булган Моҳира ва унинг дугоналари пойтахтимиздаги 9-ҳунар-техника билим юртига йўл олишди.

Ҳунар маскани ташкил этилганига 50 йил тўлди. Шу вақтдан буён бу ерда 20 мингдан зиёд малакали мутахассислар етишиб чиқди. Ҳозир бу даргоҳда 6 та ишлаб чиқариш устахонаси, 12 та ўқув хонаси мавжуд. 40 нафардан зиёд ишлаб чиқариш таълими усталари, 25 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия беришяпти.

— Устозларимиз касб маҳоратларини эгаллашимизда, — дейди 45-гуруҳнинг III босқич толибаси Моҳира Асқарова, — тез-тез турли беллашувлар, курик-танловлар ўтказишга бошқош бўлишди. «Энг юқори малакали мутахассис» мусобақалари қизларнинг ҳақиқий маҳоратни эгаллашда ёрдам беради.

Шуни айтиш керакки, Моҳиранинг узи касб маҳоратларини намойиш этиш буйича ўтказилган шаҳар биринчилигида иккинчи уринни олди. «Моҳинур» фольклор-этнографик дастаси эса Республика фестивалида иккинчи бўлди.

— Тўққизинчи синфни битириб бу ерга келганлар, — давом

Хунар — хунардан унар

этади Моҳира, — уч йил ўқиб ҳам урта маълумот оладилар, ҳам моделлаштириш ва лойиҳалаш маҳоратини эгаллайдилар. 11-синфни битирганларга булса, бир йил ўқиш баробарида хотин-қизлар ва болаларнинг енгил кийимларини тикиш маҳорати сингдирилади. Умуман дугоналарим, сингилларимга кўпроқ миллий либослар тикиш ва бичишни ўргатишга катта аҳамият берилади.

О. Тўхтаева, М. Аҳмедова, М. Аширматова, М. Ирисбоева, Г. Абдурасулова каби мураббийлар шоғирдларининг билими ва маҳоратини юксалтириш учун доимо интилишди.

Азиз болажонлар! Қолган гапларни ушбу даргоҳга ташриф буюрсангиз билиб оласиз.

М. МАҚСУДОВА.

СУРАТДА: билим даргоҳи ҳаётидан лавҳалар.

Х. ТОШМУҲАМЕДОВ олган сурат.

СУВ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛДИ

Собир Раҳимов туманидаги болалар ва усмирлар спорт мактабида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб сув спорти байрами ўтказилди. Байрамда Чилонзор, Шайхонтоҳур туманларидаги боғча тарбияланувчилари ҳам иштирок этдилар. Улар мактаб ўқувчилари билан бир қаторда беллашиб, сузини ишқибоз-

Шу сонга хабар

ларининг олқишига сазовор бўлдилар. Байрам иштирокчилари ва меҳмонлари шундай узига хос спорт беллашувлари, байрамларини тез-тез ўтказиб туришни таклиф этдилар ва мактаб маъмуриятига миннатдорчилик билдирдилар. Спорт билан шуғулланган болалар биринчидан соғлом, бақувват бўлсалар, иккинчидан Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилувчи етук спортчилар бўлиб етишадилар. Байрамнинг мақсади ҳам ана шу.

Маҳмуда ҲАЙДАРОВА.

ОМАД СИЗГА, ДУГОНАЖОН!

«Қизлар ҳаёт бусағасида» мавзусидаги республика курик-танловига ошиқардим. Мендан олдинроқда шошиб-шошиб кетаётган икки қизнинг суҳбати қўлоғимга чалиниб қолди.

— Танловнинг биринчи босқичидан ўтганингиз билан табриклайман, дугонажон, — деди улардан бири.

— Сизга ҳам бугунги ҳал қилувчи танловда омадлар тилайман, Озодахон, — деди иккинчиси.

Дугоналарнинг гап-сузлари мазмундан бугунги курик-танловнинг иштирокчиларидан эканликларини англадим. Ҳадемай саҳнада узаро рақиб бўлиб беллашадиган қизларнинг бир-бирларига билдирган самимий тилакларидан қувониб кетдим...

Залга кириб борганимизда тadbирнинг ўтказилиши учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганди. Мазкур курик-танлов икки босқичда ўтказилди. Республикада 36 та урта махсус педагогика билим юрти мавжуд бўлиб, уларда бошланғич синф ўқувчилари, боғча тарбияланувчилари, жами 17 хил йўналиш буйича мутахассислар тайёрланади. Бугунги курик-танлов иштирокчилари ҳам ана шу билим юртларининг талаба қизлари эдилар. Танлов дастлаб билим юртларининг ўзида, гуруҳлараро танлов асосида ўтказилди. Биринчи босқичда голиб чиққан қизлар — сараларнинг саралари билимларини қилич, маънавийатни қалқон қилиб республика танловига отландилар. Билимдон узоқликда, сузамоллигу чеварликда бир-бирларидан қолишмайдиган қизлар-қирмизлар. Улар 10 нафар. Эгиларидаги атласу бекасамдан тикилган миллий либослари, зар ироқи дўшилари узларига ярашиб тушган. Ораларида ҳалигина бир-бирларига омад тилаб келаётган қизлар ҳам бор. Ёзган ижодий ишлари, тест саволларига берган жавоблари юқори баҳоланган қизлар, беллашувни иккинчи босқичда давом эттириш учун жамланишган.

Қизларимиз танлов шартларини бажаришга киришди. Ҳар бир иштирокчи учун «Ишқ-муҳаббат», «Оила-

да эр-хотин муносабати», «Қайнона-келин муносабати», «Бола тарбияси» каби мавзудаги видеолархалар эълон қилиниб, уларни изоҳлаб бериш талаб қилинди. Қизлар мавзуга ёрқин ёндошиб берган изоҳлари томошабинларга ҳам, ҳайъат аъзоларига ҳам маълум

бўлди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари қизларнинг жавобларини баҳолагунларига қадар Акмал Икромов туманидаги болалар боғчаси кичкинтойлари қувноқ қўшиқ ва куйлари билан даврага файз киритишди. Дугоналарнинг самимий ниятлари ижобат бўлди.



Қизлар—қирмизлар

Курик-танловнинг барча шартларидан муваффақиятли ўтган Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юрти мактабгача тарбия бўлимининг IV курс талабаси Озодахон Саидова мутлоқ голибликни қўлга киритиб, «Етук мутахассис ва курик-танлов маликаси» I-даражали дипломини олишга муяссар бўлди. Шунингдек, курик-танловнинг иккинчи ва учинчи уринлари ҳам уз муносиб эгаларини топди. 2-урин соҳиби булган Тошкент педагогика билим юрти талабаси Муаттар Исмоилова ва 3-уринни эгаллаган Бухоро педагогика билим юрти талабаси Инобат Раҳматуллаевалар ҳам эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

3 кун давом этган курик-танлов давомида ташкилий ишлар билан куймаланиб, ҳар бир иштирокчининг ютугидан қувониб, камчиликларидан ўқиниб, «югур-югур» қилиб юрган беллашув ташкилотчиларидан бири Гулсара опа Сафосвани суҳбатта тортдик:

— Мазкур курик-танловимиз республикада биринчи бор ўтказилди. Уни ташкил қилишдан қўзлаган мақсадимиз — қизларимизнинг моҳир педагог-тарбиячилар бўлиш билан бирга, муносиб оила бекаси бўлишга ҳозирликларини синаб куришдан иборат эди. Уларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари, фикр-мулоҳазаларини тинглаб, дунёқарашларига ошно тугиниб, бошимиз қўқларга етди. Бундай тadbирлар кўпроқ ўтказиб турилса фойдадан холи бўлмаслигига амин бўлдик.

Курик-танловни томоша қилар эканмиз, дилимиздан бир утинч кечди: қизларимиз бежогли эмас, тежогли, сепли эмас, эпли, саранжому саришта булсаларгина, бир хонадоннинг муносиб фариштаси була оладилар.

Дилфуза ТОҶИБОЕВА.

Танимайсизми? Ие, елка қисганингиз майли-ю, қошларингизни самолёт қилиб, қия қилганингиз нимаси? Ростдан ҳам танимайсиз шеклли? Ҳай, атта-а-анг... Шундай одамни-я?..

...Нуроталикнинг тоғани билмайдигани йук, ахир! «Тоға деса»...

Шошманг, ҳар ҳолда тоғани менчалик билмассиз? Тус жиян эканлигимни биласизми? Жим утирингда, булмаса. Ахир бизниям энамиз гапга туққан. Қолаверса жиян зур, деган гаплар бор.

Шап-шап... дегунча шафтоли, деб қуя қоламиз, албатта. Йук, у кишининг юзи сираям шафтолига ухшамайди. Аммо узи уз қўллари билан қурган (Тоға зур уста) мактаб гирдо-гирдига шафтолини шунчалик экканки...

Тол-терақлар шундай гуркираганки, беихтиёр: «Зеленый город Учкудук»... эмас, ям-яшил қишлоқ — «Куктепа», деб куйлаб юборасиз.

Мана энди боғмисан, боғ. Токларнинг ҳам хил-хил узумлари хил-хилки, энди уёғини, узумини еб, боғини сурашмай қарашадиган шу 15-мактаб ўқувчиларидан сурайверасиз. Исмоил тоғанинг боғида йук дарахтнинг узи йук.

Ҳар кучатга меҳрини нисор қилган тоғанинг асл мақсади боғ гуркираб ҳосилга кирган йилиёқ маълум бўлди. Бу энди жуда қизик. Гаров боғлашаманки, бундай (исмоилча) усул республикамизнинг минглаб мактабларининг бирортасида йук. Ҳатто қушни мамлакатлар мактабларида йук, балки жаҳонда йук. Бу фақат Нуротада, фақат шу чоғроққина, бетакрор боғроғга чулганган Куктепада, яна ҳам аниги — Исмоил тоғанинг мактабида бор. **Ўғлига усул! Жаҳонда ягона усул! Исмоил тоғанинг усули!** Бу шуки, дейлик 1-синфда дарс булаётти. Алифбе дарси. Гудаклар ҳижжалаб уқияпти: ол-ма, ол-ча, ол-ху-ри... Тоға (30 йилдирки бошланғич таълим муаллими) дабдурустан савол беради:

- Бу нима?
- Ол-ча, ол-ча...
- Ширинми?
- Ширин-ширин.
- Қандай рангда?
- Қизил-қизил...
- Қасрда усади?
- Боғ-да, боғ-да.
- Боғимизда олча борми?

— Бор, бор, ана, а-на, аа-наа.

— Ким санай олади?

— Ме-ен, ме-ен, ме-ен.

— Ким қанчагача санай олса, шунча дона олча ейди. Келишдикми?

— Ке-лиш-дик, ке-лиш-дик.

Шу заҳоти болалар боққа отилади. Дарснинг қизиғи шу ерда. Куп санаган куп олча ейди, кам санаган кам. Санаёлмаганларга эса биттадан тегади, холос... Болалар си-

— Ким олма еган?

— Ме-ен, ме-ен, ме-ен.

— Ширинми?

— Ши-рин, ши-рин.

— Қандай рангда?

— Қи-зил, кў-ў-к, са-а-риқ.

Шу ерда болалар гап тала-

шиб кетишади. Бири сариқ деса, бири кук, яна бири қизил — дейди. Тоға шов-шувни босиб, дарсни давом эттиради.

— Бизнинг боғда олма борми?

ганларга эса одатдагидай биттадан олча тегади. Ҳамма бола мукофотни еб, олмани қачон пишишини билиб, яна узуринларини эгаллайди. Синф яна боғдаги мевалардай файзу ба-ракага тулади.

— Бизнинг боғда олма бор эканми?

— Бо-ор, бо-ор, бо-ор.

— Пишганми?

— Пиш-ма-ган, миш-ма-ган.

— Қачон пишар экан?

— Ёз-да, ёз-да.



ИСМОИЛ ТОҒАНИ ТАНИЙСИЗМИ?



нфдан қандай чиқишган бўлса (одоб уларга махсус урга-тиб борилади) шундай синфга киришади. Дарс давом этади.

— Бу нима?

— Бу ол-ма, ол-ма.


— Бор, бо-ор. Йу-у-ук, й-у-ук...

Яна шундоққина синфга тақалиб турган боққа чиқилади. Боғдаги олма дарахтини таний олганлар олма билан мукофотланишади. Тополма-

Хуллас, дарслар шу тартибда давом этади. Ўқувчилар табиат дарсида айниқса, яйрагандан яйрайди. Олма, олхури, луччак ва анжир шафтолилар пишганда билагон болаларга роса мазза.



Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқ



Чор тарафи дарахтзор, сулим ва куркам бу қишлоқ — менинг Урмонбек қишлоғим. Унинг чиройига ҳусн қушиб оқаетган тошқинариқ, сойлар буйида беғубор болалигим утмоқда.

Гоҳо қалбимни қишлоғимни утмиши ҳақида туқилган афсоналар хаёли чулғаб олади. Шундай пайтларда бобом Абдукарим Муминов ҳаётлигида такрор-такрор айтгучи ривоят у афсоналарини хотирлайман. Бобомни уша кезлар пинжигача кириб, саволларга кумиб ташлардим...

— Бобо, нега қишлоғимиз Урмонбек деб аталади?

— Қадимдан, тарихдан биламизки, Қуқонда Худоерхон деган хон утган. Уша даврларда хон бизни шу қишлоқда ҳам уз лашкарлари билан ту-

наган экан. У вақтларда бу обод қишлоқдан асар ҳам йук, ҳаммаёқ қамишзору, чангалзорлардан иборат экан. Хоннинг маликаси ҳомиладор бўлиб, шу жойга тунаган кунлар фарзанд курибди. Хон катта базми жамшидлар уюштириб, уғлига Ур-

МЕНИНГ ҚИШЛОҒИМ

монбек деб исм қуйибди. Шуну қишлоқ Урмонбек номи билан машҳур бўлибди. Бобомнинг сўзларини тинглаб кучоғида ухлаб қоладим. Аҳён-аҳенда тушларимда ҳанузгача ҳам раҳматли бобом Урмонбек ҳақида афсоналар айтади. Мен эса болалигимга қайтиб бобом ҳикоятларини тинглаб эмишман.

Шундай пайтларда тушларимни ҳеч қачон тугамаслигини истайман.

Акmalжон АБДУРАҲИМ ўғли.
Андижон вилояти, Урмонбек қишлоғи.

ТАҲРИРИЯТДАН:
Азир ўқувчилар! Ўтмишсиз келажак йук экан, сиз ҳам яшаб турган қишлоғингиз ёки шаҳрингиз тарихини, номларини сабабларини биласизми? Тенгдошингиз Акmalжон каби бобонгиз ёки момонгиздан эшитган қишлоғингиз ҳақидаги ривоят у афсоналарни ёзиб юборинг. Чунки, ўтмишни билмай туриб, ўрганмай туриб, келажакни қуриб бўлмайди.

Математика дарсида ҳам мевалар гоҳо саноқ чуп, кейин мукофот вазифасини утайди. Баъзан билагонлар мукофотдан ортганларини билмасвойларнинг қузини уйнатиб, уйларига олиб кетишади.

Дарс ҳар хил, саволлар ҳар хил бўлса-да, билагонларга бирдай, бирваракайига маза. Улар ҳар доим «5» баҳо олишади. Картошка, сабзи, пиёз, бодринг, қовун, тарвузларни нуқул мукофотга ютишади. Айниқса Исмоил тоға (муаллим: «онанга раҳмат», «отанга балли», «узинг зурсан», деганида билмасвойларнинг биррам ҳаваси келадик. Шундай пайтларда уларнинг ҳам жуда-жуда билагон бўлгиси келади.

Ўқий-ўқий уқдан узиб, кура-кура қузи пишди шекилли, шу кунларда қарийб ҳамма аълочи, ҳамма мукофотдор, ҳамма «зур».

«Исмоилча усул» дедик. Туқиб айтмадик, шу ернинг элулуси айтганини уқиб айтдик. Ахир ҳаммасида тоғанинг бетакрор хизмати, шу сабаб эл ичида беулчов иззати бор. Исмоил муаллим (тоғани)нинг дарс бериш, уқитиш усулидан бирини айтдик. Барини айтмадик. Яна айтсак: Куктепани Исмоилнинг қишлоғи дейишади. У киши бу ерда маҳалла оқсоқоли. Тую маъракалар у кишисиз утмайди. Куктепанинг чирогини чарақлатиб, куктепаликлар кунглини ярақлатган ҳам, сувини тошириб, обруйини оширган ҳам шу киши.

1993 йил Республика семинар педагогика кенгаши ҳам шу Куктепада — Исмоил тоғанинг мактаб боғида утказилган, ушанда «Алифбе»ни ёзган олима Қумри Абдуллаева тоғага қойил қолиб, қойилмақом табриклаган эди. Эл-улуснинг томини ёпиб, шиферини қоқадиган, эшик-ром ясайдиган Исмоил тоға — гапнинг ҳам устаси. Тоға туман газетасининг қузга қуринган қаламкаши. Бир неча китоб муаллифи.

Хуллас, Исмоил тоғани танимаган нуроталик йук. Чамамизда, Исмоил тоға танимаган нуроталик ҳам йукдай. Негаки, ярим Нурота у кишининг уқувчиси.

Сузимиз охирида сарлавҳадаги саволни такрорлашга ҳожат йукдай. Исмоил тоғанинг мингдан бир фазилатини сизга айтиб таништирдик. Фазилати инсон билан танишганининг из қутлуг бўлсин.

Ўрол ЎЗБЕК.





нинг «Она юртим» шеърини танлади-да, Бахтиёрга ёд олдирди. Куйга солиб, қушиқ тайёрлашди. Қушиқ тайёр булгач, жиянини етаклаб таниқли бир бастакорни ҳузурига бошлаб борди. Ундан «Ҳозир вақтим йўқ. Бошқа болани тайёрлан-тиряпман. Куриқдан кейин олиб келинг, шуғулланаман», деган рад жавобини олди. Қобилжон ака Бахтиёрнинг айнан ана шу куриқда қатнашишини ният қилганди. Узларй мустақил тайёрлана бошлашди. Қушиқни қандай куйлаш, ав-

болакай уша — сизу бизга таниш булган Бахтиёржон эди.

— Қушиқ куйлашда олдинга тушадигани йўқ экан. Уқишларинг ҳам «5» дир-а? — сураймиз ёш хонандадан.

— Чакки эмас, «4», «5» ларим куп. Ора-чора «3»ларим ҳам учраб туради.

— Қайси фанларни яхши кура-сан?

— Она тилини.

БАХТИЁРНИ БАХТИЁР ҚИЛГАН ҚУШИҚ

Навбатдаги спектаклга ҳозирлик кураётган Қобилжон аканинг хаёлини бувисига, «қушиқ айтиб беринг», дея хархаша қилаётган жиянчаси Бахтиёр тортиди. Қоғоз, қаламларини бир чеккага суриб, уни кузата бошлади. Бувиси ёнига келиб, оҳиста қушиқ хиргойи қила бошлагандан сунгина, тинчланиб кузларини юмди. Бувисига жүрөвөз булиб: «Дарё тошқин, сувлар тулқин, утолмайман-о...», — дея қушиқ куйлаганча уйқуга кетди...

Ҳар куни шу аҳвол: каттагина булиб қолса ҳам бувисининг алласисиз ухламайди. Бувиси ҳам набирасининг бошини силаб, аллалашга оғринмайди. Ешлигидан шунга ургатган-да, на илож?

— Ойижон, набирангиз ҳам узимиздан буладими дейман-да, — деб қуяди Қобилжон ака ҳазил аралаш. Дилидан эса: «Бу боланинг санъатга, қушиқчили-ка яхшигина қобилияти бор-ов», деган уй кечади.

Орадан йиллар утди. Бахтиёр 5-синфда уқияпти ҳамки, қушиққа булган иштиғи уша-уша. Тоғаси Қобилжон ака бу иштиғининг шунчаки болаликдаги уткинчи ҳавас эмаслигини англади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қушиқлар куриқ-танловининг утишига санокли кунлар қолганди. Қобилжон ака шеърый китобларни варақлаб утириб, Зоҳиджон Обидов-

жига чиқиш, ҳатто саҳнада узини қандай тутиш ҳақида ҳам маслаҳатлар берди. Омадни қарангки, дастлаб туман, сунгра вилоят миқёсида утказилган куриқ-танловда 1-урин Бука тумани, Ойхужа Йўлдошев қишлоғидаги 25-мактабнинг 5-синф уқувчиси Бахтиёр Умировга насиб этди.

— Бахтиёрнинг қушиғини томошабинлар илиқ қарши олишди, — дея ҳикоя қилади Муқимий номидаги мусиқа ва драма театри солисти Қобилжон ака Умиров мамнуният билан. — Энди айтиб булган ҳам эдики, гулдурөс қарсақ чалиб, яна айтиб беришини илтимос қилишди. У яна куйлай бошлаган ҳам эдики, электр учиб қолди. Бу ҳол яна ва яна такрорланди. (Бу тасодиқ эмаслигини, кимларнингдир гаразлик ниятида уюштирилганини яхши билардим). Шундай булса-да, Бахтиёр голиб чиқди. Ниҳоят, республика куриқ-танловига етиб келдик. Буеги узингизга аён...

Ҳа, республика қушиқлар куриқ-танлови, Бахтиёрнинг саҳнада қушиқнинг авжи пардасига келганда оёқларини букиб-букиб куйлаган, уз овози, ижрочилик маҳорати билан ҳаммамизни лол қолдиргани ҳамон едимизда.

Яқинда Муқимий театрида Лутфиҳоним ая Саримсоқованинг юбилей кечасига бағишланган тантана булиб утди. Саҳнага аянинг кенжа набираси чиқиб, «Бу қалбимда» қушиғини куйлаб, ҳамма-ни йиғлатди. Набира қиёфасидаги

— Нима учун?

— Уқитувчимиз яхши-да.

— Энг яқин дустинг ким? Синфингизда яхши қизлар ҳам бордир-а?

— Энг яқин дустим Умар. Севара яхши қиз.

— Қандай овқатларни ёқтирасан?

— Ошни, шурвани яхши кураман. Мантини ҳар куни есам ҳам, йўқ демайман.

— Бахтиёр, энди сени ҳамма танийди, бахтиёрмисан?

— Ҳа, Бахтиёр Умировман...

Саволимизга тушуниб-тушунмай берган жавобда жон бор, шу қушиқ уни бахтиёр қилди. Айни кунларда Глиэр номидаги мусиқа мактабининг 5-синфида таҳсил олаётган Бахтиёржон янги-янги қушиқлар устида изланипти. Муҳаммад Юсуфнинг «Онажоним», Нормурод Нарзуллаевнинг «Мен шабнамман» шеърларига куй басталаб, айтаяпти.

Келгусида Шерали Жураевдек халқнинг севган хофизини булишдек оппоқ орзулари, қолаверса, нафақат унинг бувиси Бусалима момо ва онаси Ҳакима опалар орзу-умидларининг ҳам ижобатини тилаб қоламиз.

Ф. ЖАЛИЛОВА.

МИРОБ

Бир томчи сув,
Худди зар экан.
Пахтакор бу
Зўр заргар экан.
Бепоедир
Яшил далалар.
Мисли тандир,
Ёзги паллалар.
Ғўза истар
Томирига қон.
Сув таратар,
Эгатта дехқон.
Авж олади,
Бўлиқ ғўзалар.
Ҳар шонада,
Тилла кўзалар.
Кўзам тўла
Ошпоқ олтин дер.
Нобуд қилмай,
Териб олгин дер.

МЕҲНАТ ТОНГИ

Тонг чоғи... Сахий қуёш,
Минди осмон белига.

Кейин заррин нурларин,
Сочди ўзбек элига.
Водий узра барқ урган,
Ғўзага ёғилар нур.
Тупроқдан зар ундирган,
Отамларга ташаккур.
У чарчамай ғўзани,
Меҳр билан боқади.
Оқ олтин томирига,
Сув — нур, мойдай ёқади.
Мана, ҳар бир шохчада,
Маржондай қатор кўсақ.
Пахтакорлар дейишар:
— Очилса-ю, биз терсақ.
Меҳнат-ла тўкилар тер,
Пахтазор даласида.
Бари ғўё толмас шер,
Биласиз ялласида.

ДУО ОЛ

Ўғлим мирзо Улугбек,
Фазони сев бобомдек.

Кўчани чангитишга,
Фурсат етди, кўйгин чек.
Бўлгин гинадан йироқ,
Кекса ёшга кулиб боқ.
Тартибсиз болаларга,
Асло бўлмагин ўртоқ.
Эътибор бер ўқишга,
Хуснихатли ёзишга.
Дарсингни тайёрламай,
Ўзини кўйма ташвишга.
Қалбингда бўлсин кўклам,
Кўкламда яшиар юрт ҳам.
Кўриб яхши хулқингни,
Эл десин: «Ҳеч бўлма кам!».

Сиддикхўжа ШОШИЙ.



Кино тонгга яқин уйғонди. Кузларини очди-ю, аввал Костито ётган беланчакка сунгра ёнида ётган хотини Хуанага қаради. Хуана ҳар доимгидек ундан аввал уйғонганди.

Кино кўрпани елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Тонг тез ёришар, Галф ортидан қуёш кўтарилиб, дунё уйғонарди. Кино қамишдан ясалган уйига қайтиб кириши билан, Хуана столдан туриб кетди. Энди Кино у ерга утириб, иссиққина зогора нон ейишга тутинди. Бу унинг байрам кунларидан ташқари ейдиган бирдан-бир нонуштаси эди.

Гаплашишга ҳожат йўқ булса ҳам эр-хотин бир-бирига нимадир дегиси келарди. Шу пайт ҳар икковининг кузи Койотито ётган, беланчак осилиб турган арқондан бир чаён ўрмалаб келётганига тушди. Койотито шошиб арқонни тортган эди, чаён чақалоқнинг елкасига тушди ва... чақиб олди! Кино чаёни оёқлари остига олиб, ерда кичик бир хул жой қолгунга



қадар эзгилаб ташлади.

Чақалоқнинг чинқиригига қушнилари йиғилишди. Хуана эса ҳаммани ҳайрон қолдирди.

«— Доктор, — деди у. — Докторни чақиринглар!». Қушнилари бир-бирларига қараб, елка қисилди. Чунки доктор қамиш уйларга ҳеч қачон келмасди. Ахир, шаҳарнинг тош уйларида яшовчи бадавлат кишиларга курсатиши лозим булган хизматлари тулиб-тошиб ётган булса, у бу ерга нимагаям келсин?

— У келмайди, — дейишди қушнилари.

— Доктор келмайди, — деди Кино ҳам хомуш.

— Ундай булса, биз борамиз», — деди Хуана. Чақалоқ Хуанининг бош фарзанди, бутун борлиғи эди. Улар доктор яшайдиган уйнинг катта дарвозаси ёнига келишгач, Кино бир дақиқа уйланиб қолди. Чунки, доктор 400 йил мобайнида Кинолар авлодини эзиб, талон-тарож қилиб, таҳқирлаб келётган авлод вакили эди. Ниҳоят, эшик олдида хизматкор куринди. Қизил ипак халат кийиб олган доктор хонасидаги баланд уриндикда ширин кулча билан шоколадли шарбат ичиб утирарди.

Хонага хизматкор кирди.

— Нима булди? — суради доктор.

— Бир ҳинду боласи билан

Таржимонликка илк қадам

келибди, айтишича, уни чаён чаққанмиш...

— Пуллари булсагина қарашим мумкин, — деди доктор қатъий оҳангда. Хизматкор қайтиб чиқиб, кутиб турган одамларга юзланди.

— Муолажага пулингиз борми?

Кино чунтагидан беухшов қилиб уралган марваридларни олди. Хизматкор уларни олиб, яна ичкарига кириб кетди. Сунгра эшикни қия очиб:

— Доктор кетди, уни зудлик билан чақириб қолишди, — деди...

Хуана Койотитони кўрпага ураб, оҳиста ерга ётқизди. У анча тинчиб қолган эди. Лекин, елкасидаги шиш буйни ва кулогининг остига қадар кенгайиб борар, юзи эса ҳароратнинг юқорилигидан қизариб кетганди...

Хуана чақалоқни даволатиш

учун докторга беришга марварид топайлик деб илтижо қилганча қайиқни сувга туширишди ва дарё буйлаб сузиб кетишди. Асрлар давомида одамлар бу ердан марварид излашар, рост, баъзида кимнидир омади чопар, лекин бу камдан-кам содир буларди.

Кино бир оғир тошни оёқлари билан маҳкам сиқиб олди ва денгиз тубига тушди. Хуана эса қайиқни Кино қайтиб чиққунга қадар мувозанатини тутиб туриши керак эди.

Кино куринди. Унинг юзлари ҳаяжон билан чарақларди. Лекин Хуана унга қарашниям истамасди. Бир нарсани астойдил хошлаш омадни қайтарди, деб ҳисобларди-да! Кино чиганоқни очди. У ерда ой каби мукамал, жуда катта марварид ётарди. Бу дунёдаги энг катта марварид эди.

Давоми бор.

Инглизчадан Олтиной КАМБАРОВА таржимаси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙўЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерила терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0709. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тоширини вақти 19.00 Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25